

## МИЯ ИЧКИ БОСИМИ ОШИШИ — АЛОҲИДА КАСАЛЛИКМИ?

Усманова М.Б

Самарқанд Давлат тиббиёт университети Пайариқ Абу Али Ибн Сино номли  
жамоат саломатлиги техникуми

Сайдазимова Хадичабону Боликулловна

Етакчи ўқитувчи

Алимов Шерзод Шухратович

Боши ўқитувчи

**Аннотация:** “чепенное давление” ибораси шу қадар кенг тарқалганки, баъзида чуқур ўйга толасан киши. Бу ташхисни қўймайдиган врач қолмади, шекилли. Аслида чуқур неврологик текширувлар асосида айнан невропатолог томонидан қўйиладиган бу ташхисни нега бошقا тоифа врачлари ҳам қўймоқда? Уларнинг бунга юридик хуқуқи борми? Аксарият одамлар артериал қон босимидан эмас, “чепенное давление”дан қўрқадиган бўлиб қолган. Нима учун?

**Калит сўзлар:** Внутричепенное давление, чепенное давление, гипертензия, менингит, ликвор, лептоменингит, люмбал пункция

Энди түгилган чақалоққа ҳам шу ташхисни қўйишяпти, қари одамларга ҳам. Нима, бу касаллик шу қадар кўп тарқалганми ёки асоссиз ташхислар кўпайганми? Савол: Миянинг ички босими ошиши шу қадар кўп тарқалганми ёки бу ташхисни қўйиши кўпайганми? Ҳалқ тили билан айтганда “чепенное давление” нима ўзи? Калла суяги русчада “чепен”, лотинчада “cranium” деб юритилади. Рус тилидаги “Внутричепенное давление” ўзбекчага “калла суяги ички босими” деб таржима қилинади. Ўзбек тиббий тилида “интракраниал гипертензия” иборасини кўп ишлатилади. Китобларда ҳам шундай ёзилган. “Гипертензия” атамаси “юқори босим” деган маънони англатади. Масалан, артериал гипертензия, интракраниал гипертензия. Ҳалқимизга тушунарли бўлиши учун бугунги сұхбатимизда “миянинг ички босими” иборасини ишлата қоламиз.Хўш, миянинг ички босими ошиши ёки интракраниал гипертензия ҳақиқатан ҳам кўп тарқалганми? Асло йўқ! Боши оғриқлар сабаби ичидаги миянинг ички босими ошиши бор-йўғи 12 фоиз холос. ҳисоб-китобларга кўра, турли врачлар томонидан бундай ташхисларни қўйиш 70 фоиздан ошиб кетди. у жуда кўп! Кўриб турганингиздек асл ўрсаткичлардан деярли 5 баробар кўп...Негаки бу ташхисни фақат шифокорлар эмас, одамлар ҳам ўзларига-ўзлари шу ташхисни қўйяпти. Ҳатто маҳалланинг эски дўкони олдида қурт ва писта сотиб ўтирадиган онахоннинг ёнига бориб менинг бошим қаттиқ оғрийди, доимо оғрийди, дессангиз “Сизда чепенное давление” ошган, деб жавоб беради. Балки ростдан

ҳам бу касаллик кўп учрап?! Тинмай бош оғриши – черепное давление белгиси эмасми ахир? Барча бош оғриқлар сабаблари ичидаги миянинг ички босими ошиши бор-йўғи 10-12 % ни ташкил қиласди. Боз устига, “миянинг ички босими” деган ташхис йўқ. Миянинг ички босими ҳаммада бор. Уни ликвор босими деб ҳам атасади. Ликвор (мия суюқлиги) босими горизонтал ҳолатда 100-200, ўтирган ҳолатда 200-400 мм сув устунига тенг. Худди артериал қон босим каби. Масалан, артериал қон босим ҳаммада бор ва у нормада 120/70 мм. симоб устунига тенг. Баъзи катта ёшдагиларда 140/90 мм симоб устуни ҳам меъёр ҳисобланади. Артериал қон босим ўлчов бирлиги – мм симоб устуни билан ёзилади, ликвор босими эса мм сув устуни деб ёзилади. Аслида ликвор босимини аниқлаш учун орқа мия суюқлиги олиб текширилади. **Шифокорлар менингит (мия пардалари яллиғланиши) билан шифохонага тушган боланинг орқа миясидан ликвор суюқлигини олиб текшириш лозимлигини айтишади.** Аммо баъзи ота-оналар бунга розилик беришмайди. Чунки боладан мия суюқлиги олинса, кейинчалик у ақли заиф бўлиб қолади, деб ўйлашади. Шу тўғрими Мутлақо нотўғри! Аксинча, менингит бўлган боладан шифохонада орқа мия суюқлиги (ликвор) олиб турилмаса, у кейинчалик ақли заиф бўлиб қолиши мумкин. Нафақат ақли заиф, балки бундай бола жисмоний ривожланишдан ортда қолади ва турли асоратлар билан тузалади Айниқса, йирингли менингитни люмбал пункция (орқа миядан суюқлик олиб текшириш амалиёти) қилмасдан даволаш ўта хавфли. Орқа мия, албатта, пункция қилиниши керак, бош мия ва орқа мия пардалари орасидаги бўшлиқда мия суюқлиги доимо айланиб туради. Шунинг учун ҳам белдан пункция муолажаси ўтказилиби, орқа мия суюқлиги олинса, билингки, бутун бош мия ичи ва атрофидаги ликвор ҳолати текширилган бўлади. Текшириш усули ушбу расмда кўрсатилган:




1-расм. Мия суюқлигини (ликвор) белдан пункция қилиб текшириши усули

Бу касаллик одатда, 2 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Мазкур касалликка чалингандаги болаларда ҳар 2-3 кунда белдан пункция қилиб, орқа мия суюқлигини олиб туриш керак. Натижада, мия пардалари орасидаги йирингли ликвор

тозаланиб, унинг ўрнига булоқ сувидек тоза ликвор ишлаб чиқарилади. Мия қоринчаларининг маҳсус ўсиқчаларида бир кунда 350-450 мл ликвор ишлаб чиқарилади ва шунчаси қайта сўрилади. Кўрдингизми, қанча кўп! Бу эса миянинг соғлом фаолият кўрсатиши учун жуда зарур йнан йирингли менингит – болада мия ички босимини кескин оширадиган касалликлар ичида биринчи ўринда туради. Бу босимни факат белдан ликвор олиб пасайтириш мумкин. Акс ҳолда, миянинг ички босими ошавериб мия тўқимасини эза бошлайди ва бола комага тушади. Биласизми, менингит сабабли комага тушган болага 2-3 соат ичида белдан пункция қилиб ортиқча ликвор олинса, у ўша куниёқ ҳушига келади.

**Нега унда баъзи инфекционист-врачлар “Болангизнинг белидан пункция қилиб мия суюқлигини олишимиз керак. Шунга розимисиз?” деб сўрашади. Ота-она, табиийки, кўрқади... Ушбу тиббий муолажа шу қадар муҳим экан, уни ота-онадан сўрамай қилишаверса бўлади-ку?** Менингит бўлган болада орқа мия суюқлигини олиб текшириш учун врачнинг ота-онадан рухсат олиши – бу бўлмаган гап! Мен бунаقا қоидани эшитмаганман. Ундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Люмбал пункция – тиббий кўрсатмалар асосида врачнинг ўзи ҳал қиладиган муолажа. Уни ўтказиш ёки ўтказмасликни факат врачнинг ўзи ҳал қилади. Менингитни люмбал пункция қилмасдан даволаш – бу ўлим ва оғир асоратлар сабаби деяверинг. Агар баъзи шифохоналарда шундай қоидалар ҳалиям ҳукм суроётган бўлса, бунга зудлик билан чек қўйиш керак. Бундан ташқари, мия лойқали ликвордан тозаланиб турса, унинг ўрнига тоза ликвор ишлаб чиқарилиб туради. Ликвор таҳлили орқали менингитни қайси микроб чақиргани анқиланади ва энг зарур антибиотик танланади ва ҳ.к. Умуман олганда, реаниматологлар ишига ота-оналар аралашмагани маъқул. *Қачон миянинг ички босими ошади?* Авваломбор мия ички босими ошиши сабаблари ҳақида маълумот. такидланганидек, бу патологик ҳолатнинг асосий сабабларидан бири – бу мия пардаларининг ўткир яллигланиши, яъни менингитлар. Кейинчалик энцефалитлар (*мия тўқимаси яллигланиши*), бош мия жароҳатлари, лептоменингит ва хориоэпендиматитлар. Лептоменингит – бу мия пардаларининг сурункали яллигланиши бўлиб, унинг ҳам асосий белгилари бош оғриқлардир. Лептоменингит менингитга ўхшаган оғир касаллик эмас. Менингит юқумли касаллик ва уни инфекционист даволаши керак, лептоменингит эса умуман юқмайди ва уни невропатолог даволайди. Лептоменингитда миянинг ички босими ҳар доим ҳам ошавермайди. Хориоэпендиматит – бу мия қоринчаларининг ички девори яллигланиши. Айнан мана шу ички девор (*эпендила*) ликвор ишлаб чиқарувчи ва ортиқча ликворни қайта сўрувчи ўсиқчалардан иборат.

Ушбу расмда мия суюқлиги айланиб юрадиган мия қоринчалари ҳамда парадалар орасидаги бўшлиқ кўрсатилган.



2-расм. Стрелкалар билан бош мия ва орқа мияда ликвор оқиший йўналишилари кўрсатилган.

Бу касаллик деярли ҳар доим миянинг ички босими ошиши билан бошланади. Афсуски, ҳозирги невропатологлар бу ташхисни деярли қўйишмаяпти. Ваҳоланки, “лептоменингит ва хориоэпендиматит” атамаларини Ўзбекистон фахри, XX асрнинг буюк неврологи, жаҳон неврологиясига улкан ҳисса қўшган олим Наби Мажидов 1972 йили таклиф қилган. Бу иккала касаллик номи “Катта тиббий энциклопедия”да ҳам ўрин олган. **Миянинг ички босими ошишига хос белгилар ҳақида маълумот берсангиз.** Бу ҳолат қандай намоён бўлади? **Миянинг ички босими ошиши қуйидаги аломатлар билан кўзга ташланади** Бош оғрикли. Эрталаб уйғонганда кузатилади, бошни пастга энгаштирганда кучаяди, зинадан кўтарилаётганда чакка ва энса соҳаси лўқиллай бошлайди. Бош айланиши. Чунки тана мувозанати ва коордиация учун жавоб берувчи тузилмалар фаолияти ҳам сустлашади. Шунингдек, миядан қонни олиб чиқиб кетувчи веналарда турғунлик рўй беради. Бунинг натижасида нафақат бош оғрийди, балки бош айланиши ҳам кузатилади. Кўнгил айниши ва баъзида қайт қилиш. Бу белгиларнинг овқатланишга алоқаси бўлмайди ва бош оғриқ зўрайганда пайдо бўлади ёки кучаяди. Бунинг ҳам сабаблари юқорида кўрсатилган омиллар билан боғлик. Шунингдек, мия устунида вегетатив марказлар бор. Мия ички босими ошганда ушбу марказлар кўзгалади ва кўнгил айнийди, қайт қилиш кузатилади. Диққат тарқоқлиги ва хотира пасайиши, фикрлаш сустлашуви. Бу симптомлар нега пайдо бўлади? Чунки миянинг ички босими ошганда халқ тили билан айтганда “мия димиқади” ва бунинг натижасида миянинг нормал фаолияти сустлашади. Худди кислород кам хонада бош димиқандек ҳолат юзага келади. Юракнинг уришлари тезлашуви ёки сустлашуви, қон босим “ўйнаб” туриши, кўп терлаш ва ҳ.к. Бу белгилар ҳам мия устунида жойлашган юрак-қон томир фаолиятини бошқарувчи марказлар

ишининг сустлашуви билан боғлиқ. Кўришнинг пасайиб бориши. Бу белги йиллар ўтиб пайдо бўлади.

**Бу белгилар бошқа касалликларда ҳам учрайдими ёки фақат миянинг ички босими ошиши билан боғлиқми? деган савол туғилади** Хусусан бош миянинг деярли барча касалликлари бош оғриқ билан намоён бўлади. Керак бўлса, баъзи жигар ва буйрак касалликлари, доимий сигарет чекиш, ичкилик ичиш, компьютер олдида тинмай ўтириб ишлаш, турли муаммолар ҳақида хаёл суравериш, оддий уйқусизлик ва ҳ.к. ҳам бош оғриққа олиб келиши аниқ. Юқорида такидланганидек, барча бош оғриқларнинг бор-йўғи 10-12 фоизи мия ички босими ошиши билан боғлиқ бўлса, қолган бош оғриқларнинг 60-70 фоизи — булар зўриқиши билан боғлиқ бош оғриқларидир. Яъни невроз ва депрессия туфайли пайдо бўлган бош оғриқлари. *Одам сиқилса миянинг ички босими ошадими? деган саволга куйидаги жавоб:* Йўқ, ошмайди. Бош оғриғи пайдо бўлади. Тиббиётда “психоэмоционал зўриқиши” деган ибора бор. Оддий қилиб айтганда, олим куни билан илмий иш устида ўтирди, ёзувчи тинмай мақола ёзяпти, ўқитувчи репетирорлик қилди, амалдор оғир мажлис ўтказди ва ҳ.к. Мана шундай пайтларда психоэмоционал зўриқиши пайдо бўлади ва бош оғрийди.

Беморларга маслаҳатлар:

Ўзингизга ҳеч қачон ўзингиз ташхис қўйманг.

Агар Сизга невропатологдан бошқа доктор “Миянинг ички босими ошибди” деб ташхис қўйса, унга ҳам ишонманг ва албатта невропатологга мурожаат қилинг.

Бош мия жароҳатлари ва мия пардалари шамоллашларини ўзи вақтида даволатиб туринг. Акс ҳолда кейинчалик миянинг ички босими меъёрдан ошиши мумкин;

Агар Сизни доимий бош оғриқлар безовта қилаётган бўлса, албатта диспансер қўриклардан ўтиб туринг;

Агар Сизда ҳақиқатан ҳам “Мия ички босими ошган” деган ташхис тўғри қўйилган бўлса, невропатологда даволаниб унинг кузатуvida туринг;

Агар Сизда доимий бош оғриқлар бўлса, спиртли ичимликлар асло ичманг, хатто пиво ҳам. Чунки улар миядаги вена қон томирларида қон туриб қолишига сабабчи бўлади ва мия қоринчаларида ортиқча ликвор ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ҳам кўп ароқ ёки пиво ичган одамнинг боши ўша куни ёрилиб кетай деб оғрийди.

Мева-сабзавотларни кўп истъемол қилинг, айниқса пишиб кетган сариқ бодринг. Ҳар доим бодринг истъемол қилиб юриши – миядаги ортиқча суюқликни ҳайдаб туради. Бу ишни наъматак ва кийик ўти ҳам бажаради. Сизни сурункали бош оғриқлар безовта қилса, мияни зўриқтириб ишламант, тоза ҳавода сайр қилинг, спортнинг енгил турлари билан шуғулланинг. Соғлом турмуш тарзига амал қилинг.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Хасанова, Г. Р., Усманова, М. Б., & Нажмитдинов, Х. Б. (2022). ВИТАМИНГА БОЙ ЛОВИЯ (PHASCOLUS) ЎСИМЛИГИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(9), 333-336.
2. Хасанова, Г. Р., & Усмонова, М. Б. (2022). Применение фасоли (phascolus) в медицине. *Science and Education*, 3(11), 117-125.
3. Усманова, М., Эрназарова, М., Куйлиева, М., & Хасанова, Г. (2021). Дорихона фаолиятини ташкил этиш, дорилар саклаш чора тадбирлари. *Экономика и социум*, (11), 90(6).
4. Имамова, Ю. А., & Усманова, М. Б. (2022). РОДИОЛЫ РОЗОВАЯ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ ОРГАНИЗМА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 901-904.
5. Имамова, Ю. А., Усманова, М. Б., & РОДИОЛЫ, Р. О. (2022). Special Issue 4-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rodioly-rozovaya-dlyayapovysheniyarabotosposobnosti-organizma>.
6. Усманова, М. Б., & Имамова, Ю. А. (2022). ЛУК РЕПЧАТЫЙ–ПРИМЕНЕНИЕ В МЕДИЦИНЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 914-917.
7. Yuldashev, S., Halimbetov, Y., Usmanova, M., Naimova, Z. S., & Khamraeva, M. (2021). National Processes In Uzbekistan And The Formation Of The Internationalist Maturity Of The Younger Generation. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(06), 167-175.
8. Шкурова, Д., Усманова, М., & Имамова, Ю. (2021). Private technology of powders Preparation of powders with abrasives, dyes and hard powders, extracts and essential oils. *Экономика и социум*, (11), 90.
9. Sh, A., Kuylieva, M. U., & Usmanova, M. B. (2022). Application of phytotherapy in the treatment of chronic prostatitis.
10. Imomova, Y., Usmonova, M. B., Yo'Ldoshev, S., & Ahmadov, J. (2021). DORI VOSITALARINING ZAMONAVIY TAHLIL USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 587-596.
11. Шкурова, Д., Усманова, М., & Имамова, Ю. (2021). Порошоларинг хусусий тухнологияси тузгувчи, буёвчи ва кийин майдаланувчи моддалар, экстрактлар ва эфир мойлари билан порошоклар таййорлаш. *Экономика и социум*, 11, 90.
12. Usmanova, M. B. (2022). Geksikon shamchasini taylorlashda uning asosni almashtirish. *Science and Education*, 3(11), 213-220.

13. Qo'Yliyeva, M. U., Ernazarova, M., Usmonova, M., & Yu, I. (2021). CHILONJIYDA HAQIDA UMUMIY MA'LUMOT, TARKIBI, XALQ TABOBATIDA QO'LLANILISHI, XUSUSIYATLARI VA ULARNING HAR XIL TURLARI, O'STIRISH UCHUN SHAROIT. *Экономика и социум*, (11-1 (90)), 476-480.
14. Усманова, М., Эрназарова, М., & Кўйлиева М, Х. Г. (2021). Organization of pharmacy activities, measures for storage of medicines. *Экономика и социум*, 11, 90.
15. Хасанова, Г. Р., & Усманова, М. Б. Geksikon shamchasini taylorlashda uning asosni almashtirish. *SCIENCE AND EDUCATION ISSN*, 2181-0842.
16. Мархабо, М. У., & Зарпуллаева, Г. (2023). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ БИОХИМИИ. *Бюллетень педагогов нового Узбекистана*, 1(9), 61-65.
17. Усманова, М. Б., Саманова, Ф., Исройилова, Г., & Маҳаммадиева, С. (2023). БЕМОРЛАРГА ҚЎШИМЧА МУОЛАЖА СИФАТИДА МАССАЖ ҚАЧОН ВА ҚАНЧА МУДДАТГАЧА ҚЎЛЛАНИЛАДИ. *Бюллетень студентов нового Узбекистана*, 1(9), 35-38.
18. Усманова, М., & Зарпуллаева, Г. (2023). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ БИОХИМИИ. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 1(9), 53-57.
19. Usmanova, M. B., Jozilova, N. M., Saydazimova, H. B., & Mavlanova, N. O. (2023). TIBBIYOTDA YURAK XASTALIKLARINI DAVOLASHDA QO'LLANILADIGAN DORIVOR O'SIMLIKlar. *Analysis of world scientific views International Scientific Journal*, 1(4), 105-109.
20. Ismoilova, M. Y. (2023). KORİANDRA O'SIMLIGINING TIBBIYOT VA GENIKOLOGIYADAGI AXAMIYATI: 1-SON 1-TO'PLAM IYUL 2023 yil. *Ta'lif innovatsiyasi va integratsiyasi*, 1(1), 218-222.
21. Usanova, M. B., & Imamova, Y. A. (2023). AN UNDERSTANDING OF THE FORMULATION OF THE DRUG AND THE RELEASE OF THE ACTIVE SUBSTANCES OF THE DRUG. In *Горизонты биофармацевтики* (pp. 154-159).